# V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ [1)]

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 122358,1 млн. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

**2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари**

| | *Фойда, зарар (+,-), млн. сўм* | *2019 йил январь-майига нисбатан фоизда* |
|---|---|---|
| **Жами** | **122358,1** | **45,8** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 20,5 | 42,2 |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | - 4183,2 | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 27144,1 | 14,8 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 58138,9 | 6,1 м.к. |
| Қурилиш | 3346,9 | 106,3 |
| Савдо | 50525,5 | 92,2 |
| Ташиш ва сақлаш | 7046,4 | 28,5 |
| Сув билан таъминланиш; канализация тизими, чикиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | -23821,8 | - |
| Ахборот ва алоқа | - | - |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 198,0 | 56,8 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 11125,9 | 5,5 м.к. |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | -68,8 | - |
| Таълим | 73,3 | 22,0 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | -8541,0 | - |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1120,8 | 51,2 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 182,7 | 135,4 |
| Бошқа турдаги хизматлар | 49,9 | 68,9 |

[1)]*Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

Ижобий молиявий натижа (фойда)нинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналарига 58138,9 млн. сўмга, савдо корхоналарига 50525,5 млн. сўмга, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига 27144,1 млн. сўмга, тўғри келади.

Салбий молиявий натижа (зарар)нинг асосий қисми сув билан таъминланиш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналарига минус 23821,8 млн сўмга, яшаш ва овқатланиш корхоналарига минус 8541,0 млн.сўмга тўғри келди.

**2020 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари**

| | *Фойда, зарар (+,-), млн. сўм* | *2019 йил январь-майига нисбатан фоизда* |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича** | **122358,1** | **45,8** |
| Самарқанд ш. | 104615,2 | 70,0 |
| Каттақўрғон ш. | 8100,0 | 77,4 |
| туманлар: | | |
| Оқдарё | 3,4 | - |
| Булунғур | 215,7 | 15,4 |
| Жомбой | 22635,5 | 25,5 |
| Иштихон | 63,8 | - |
| Каттақўрғон | -7440,9 | - |
| Нарпай | 3581,3 | 93,5 |
| Пайарик | 440,9 | 2,3 м.к. |
| Пастдарғом | -9374,3 | - |
| Пахтачи | -4187,7 | - |
| Самарқанд | 5955,1 | 54,6 |
| Ургут | 227,9 | 60,9 |
| Тайлоқ | -2477,8 | - |

**2020 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари *(2019 йил январь-майига нисбатан) фоизда***




Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Самарқанд шаҳри 104615,2 млн. сўм (жами фойданинг 85.5%), Жомбой тумани 22635,5 млн. сўм (жами фойданинг 18,5%) ва Самарқанд тумани 5955,1 млн. сўм (4,9%) га тўғри келади.

**Зарар**. 2020 йилнинг январь-май ойларида 40 та корхона 83208,6 млн. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми “Ишлаб чиқарадиган саноат” ва “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги” таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

## 2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | Корхоналар сони | Зарар суммаси | |
|---|---|---|---|
| | | млн.сўм | жамига нисбатан фоизда |
| **Жами** | **40** | **83208,6** | **100,0** |
| Тоғ – кон саноати | 2 | 4203,3 | 5,1 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 10 | 25145,6 | 30,2 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 1 | 520,0 | 0,6 |
| Сув билан таъминланиш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 1 | 23858,0 | 28,7 |
| Қурилиш | 3 | 5140,6 | 6,2 |
| Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 4 | 12773,0 | 15,3 |
| Ташиш ва сақлаш | 10 | 2359,1 | 2,8 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 7 | 9037,7 | 10,9 |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 2 | 171,3 | 0,2 |

## 2020 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | Шаҳар ва туманлар номи | Корхоналар сони | Зарар кўрганлар улуши, % да | Зарар суммаси, млн.сўм |
|---|---|---|---|---|
| | **Самарқанд вилояти** | **40** | **100** | **83208,6** |
| | *шаҳарлар:* | | | |
| 1 | Самарқанд ш. | 27 | 64 | 53274,1 |
| | *туманлар:* | | | |
| 2 | Жомбой | 1 | 0,001 | 0,8 |
| 3 | Иштихон | 1 | 0,1 | 46,4 |
| 4 | Каттақурғон | 1 | 9,5 | 7932,3 |
| 5 | Пастдарғом | 2 | 15 | 12513,8 |
| 6 | Пахтачи | 2 | 5 | 4203,3 |
| 7 | Самарқанд | 4 | 0,2 | 175,7 |
| 8 | Ургут | 1 | 0,03 | 21,3 |
| 9 | Тайлоқ | 1 | 6,1 | 5040,9 |

## Корхона ҳамда ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]

2020 йил 1 июнь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 4096893,2 млн. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 34657,2 млн. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,8 фоизи. Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Самарқанд шаҳрида 2693890,1 млн. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 65,7%), Жомбой 265344,3 млн. сўм (6,5%), Ургут туманида 194035,7 млн. сўм (4,7%) ва %), Самарқанд туманида 124626,9 млн. сўм (3,0%), Пастдарғом 70915,2 млн. сўм (1,7%) ва Нарпай 32882,4 млн. сўм (0,8%) туманларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Булунғур туманида 3520,5 млн. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,1%), пастлигини кўриш мумкин.

### 2020 йил 1 июнь ҳолатига иктисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

| | *Жами, млн. сўм* | *ундан:* | | | *Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *харидор ва буюртма-чилар* | *етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар* | *ички идоравий* | |
| **Жами** | **34657,2** | **8113,2** | **25455,4** | **451,6** | **100** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | - | - | - | - | - |
| Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш | 129,7 | - | 129,7 | - | 0,4 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 15130,3 | 7951,9 | 7001 | - | 43,7 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 18645,2 | - | 18260,7 | 140 | 53,8 |
| Сув билан таъминлаш | 311,6 | - | - | 311,6 | 0,9 |
| Қурилиш | - | - | - | - | - |
| Савдо | 221,7 | 6,7 | - | - | 0,6 |
| Ташиш ва сақлаш | 138,6 | 138,6 | - | - | 0,4 |
| Яшаш ва овқатланиш буйича хизматлар | 16 | 16 | - | - | 0,04 |
| Бошқариш буйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 64,1 | 64,1 | - | - | 0,2 |

2020 йил 1 июнь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 6191954,3 млн. сўм, ундан муддати ўтган 66185,3 млн.сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 1,1 фоизини ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда кредитор қарздорлиги юқори қисми Самарқанд шаҳрида 4088449,2 млн. сўм (вилоят бўйича жами кредитор қарздорликнинг 66,0%), Жомбой 596399,4 млн. сўм (9,6%), Пастдарғом 318548,4 млн. сўм (5,1%) ва Ургут туманида 220936,48млн. сўм (3,6%) Пайариқ 205141,6 млн. сўм (3,3%) туманларига тўғри келди. Бунга карама-қарши кредитор қарздорлик Самарқанд туманида 39691,9 млн. сўм (0,6%) Булунғур туманида 11971,9 млн. сўм (вилоят бўйича жами кредитор қарздорликнинг 0,2%), ва пастлигини кўриш мумкин.

**2020 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

| | *Жами, млн.сўм* | *ундан:* | | | *Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, %да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *харидор ва буюртма-чилар* | *етказиб берувчи-ларга ва пудратчиларга берилган авансдар* | *ички идоравий* | |
| **Жами** | **66185,3** | **-** | **63029,8** | **137,9** | **100,0** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | - | - | - | - | - |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | - | - | - | - | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 43413,1 | - | 40860,1 | 137,9 | 65,6 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 22707,9 | - | 22105,4 | - | 34,3 |
| Бошқариш буйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 64,3 | - | 64,3 | - | 0,1 |

2020 йил 1 июнь ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши 2095061,1 млн. сўмни ташкил қилди.

**Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебитор қарздорликга нисбатан ошиши**

| | *Кредитор қарздорликнинг дебитор қарздорликдан ошиши* | |
|---|---|---|
| | *млн. сўм* | *дебиторга нисбатан фоизда* |
| Ҳудудий электртармоқлари | 93277,1 | 114,6 |
| Ўзавтосаноат | 755871,6 | 3,1 м.к. |
| Ўзпахтасаноат | 318888,6 | 18,9 м.к. |
| Уй-жой коммунал хизмати | 19354,7 | 127,1 |
| Ўзбекнефтегаз | 2579,6 | 109,8 |

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши Ўзавтосаноат 755871,6 млн. сўмга (3,1 м.к.), Ўзпахтасаноат 318888,6 млн. сўмга (18,9 м.к.), Ҳудудий электртармоқлари 93277,1 млн. сўмга (114,6%) кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши юқори Жомбой туманида 331055,1 млн. сўм (2,2 м.к.), Пастдарғом 247633,2 млн. сўм (4,5 м.к.) ва Самарқанд шаҳрида 1394559,1 млн. сўм (151,8%) тўғри келди.